

Вола ва Замин

Научно-популярный журнал детской и возрастной консультации

4
2019



Самарали таълим –
ижодий ёндашув маҳсули

Қобилият шаклланишида ижтимоий шарт-шароитларнинг ўрни



Гулбахор ХАМИДОВА

Жиззах Давлат педагогика институти
Мактабгача таълим методикаси
катта ўқитувчиси

Хар томонлама баркамол шаклланган, интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялаш долзарб вазифалардан бири бўларкан, бунинг учун мамлатимизда амалдаги таълим тизимининг ҳамма босқичларида жаҳон стандартларига мос моддий техник база ва таълим технологияларининг илғор кўринишларидан фойдаланиш кенг жорий этилган. Бироқ ёшларнинг жисмоний ва психологик ривожланиш қонуниятларини чуқурроқ ўрганиш, уларнинг ҳар бирига хос лаёқат, иқтидор ва қобилият кўринишида намоён бўладиган интеллектуал салоҳиятини аниқлаш ҳамда ўқув тарбия жараёнларини ана шу имкониятларга қараб индивидуаллаштириш замонавий талаблар даражасида ташкил этилган, деб бўлмайди.

Интеллект, яъни ташқи дунёни хотира, тасаввур, хаёл, фикрлаш, шунингдек, нутқ ёрдамида англаш қобилияти – бу инсонни ҳайвондан ажратиб турувчи муҳим хусусиятлардир. Интеллект ҳам, нутқ ҳам инсонда илк болалик ёшида пайдо бўлади ҳамда у ўсмирларда ва ёшларда фақатгина уларнинг организми ривожланаётгани учун эмас, балки улар нутқни ҳам ўзлаштириб олган тақдирдагина жадал такомиллашиб боради.

Таянч сўзлар: иқтидор; қобилият; талант; салоҳият; лаёқат; тушунчалар.

Аннотация / Abstract

UZ. Мақолада ёшларда қобилият ва интеллектуал салоҳиятни тарбиялаш учун ота-она, тарбиячи, педагоглар ва тарбия билан боғлиқ бошқа кишиларнинг ёшлардаги интеллектуал тараққиёт ва унинг ўзига хос ривожланиш қонуниятларини билишлари муҳим экани ёритилган.

RU. В статье подчеркивается важность участия родителей, педагогов и других лиц в обучении молодых людей интеллектуальному развитию и его специфическим моделям для развития способностей и интеллектуального потенциала юношей и девушек.

EN. The article emphasizes the importance of the participation of parents, teachers, educators and others in teaching young people the intellectual development of young people and their specific development models for developing the abilities and intellectual potential of young people.

Агарда бола атрофидаги катталар уни бешиқдан бошлаб тўғри сўзлашга ўргатсалар, бу ҳолда бола интеллектуал жиҳатдан нормал ривожланади: унда тасаввур қилиш, сўнгра фикрлаш ва хаёл суриш қобилияти пайдо бўлади; ҳар бир ёш босқичида бу қобилият такомиллашиб боради. Бола интеллектуал ривожланиши билан бир вақтда унинг эмоционал-ирода соҳаси ҳам такомиллашиб боради. Нутқни ривожлантириш методикаси ҳар қандай ривожланишнинг умумий шакллари, томонлари ва ўзаро боғлиқлигини акс эттирадиган диалектика қонунлари ва тоифаларига таянади.

Мақтабга чиқиш даврига келиб болада барқарор мотивларнинг юзага келиши, унинг интилиш ва хоҳиш-истакларини бошқара оладиган шахсга айланишига замин яратади. А.Н.Леонтьев таърифича, бу шахс ривожланишининг янги босқичини бошлаб беради. Мақтаб таълимига интеллектуал тайёргарлик фикрлаш, умумлаштириш, таққослаш,

уларни гуруҳлаштириш, хулоса қилиш жараёнларининг ривожланиши билан боғлиқ. Боланинг образли, фазовий тасавури, нутқи ва билиш фаоллиги ривожланган бўлиши муҳим.

Интеллектуал тайёргарликни аниқлашни психик жараённинг ажралмас қисми бўлган хотира жараёнини текширишдан бошлаш мумкин. Механик хотира – 10 та ихтиёрий сўзлар қатори (олма, китоб, қалам, дарахт, сув, ойна, ёмғир, машина, самолёт, баҳор) айтилади ва боладан сўзларни қайтариши, муддат ўтгандан кейин ана шу сўзларни такрорлаши сўралади. Кўриш хотирасининг ривожланганлиги, кўрганини ёдда сақлаш ва уни сўз орқали ёки амалда ифодалаш, кўрса тиш – расмлар ёрдамида сўзларни эслаб қолиш вазифаси берилади: бола ҳар бир сўз ёки иборага ўзи тушунадиган расм чизиши керак бўлади ва 1-1,5 соатдан кейин чизган расмларини кўлига олади ва ҳар бир расм қайси сўз учун чизилганини эслайди

Таълим-тарбия соҳасидаги масъул кишиларда қобилият ёки интеллектуал салоҳият ва шунга боғлиқ атамалар (лаёқат, иқтидор, қобилият, истеъдод, талант, гений, дохий, дарға) ҳақида ҳанузгача етарли тушунтиришлар йўқ экан-да, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак.

Ҳозир амалдаги психологик адабиётларда «қобилият», «интеллект» ҳақида баъзи изоҳлар берилган, бироқ бундан ҳамма ҳам бирдек хабардор бўла олмайди. Ҳатто ҳамма учун аҳамиятли бўлган ва кенг жамоатчиликка мўлжалланган «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да ҳам психологик тушунчаларнинг мукамал изоҳланмаганлиги яққол сезилади. Бунда айнан психолог олимларнинг илмий талқини кўринмайди. Жумладан, унда лаёқат – бирор ишга яроқлилик, қобиллик, бирор ишни бажариш, удалаш қобилияти; иқтидор – куч, қудрат, қодирлик; қобилият – бирор ишга қобилиятлилиқ, яроқлилиқ; бирор ишни бажара олиш, қила олиш хусусияти, лаёқати; истеъдод – ижодий қобилият, лаёқат, талант; талант – катта қобилият, истеъдод; гений – мислсиз истеъдодли, заковатли деган таърифлар мужассам.

Кенг жамоатчилик бу тушунчаларнинг психологик мазмунини, уларнинг моҳиятини ҳозирги илмий психология хулосаларига асосланган ҳолда тушунишлари мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шунга кўра, лаёқат – тараққиётнинг дастлабки табиий шarti сифатида кўринадиган инсонга хос мия тузилиши ва нерв тизимининг морфологик ҳамда функционал хусусиятларига хос имконият эканлигини билиш керак.

Иқтидор – бола ташқи оламдаги нарсa ва ҳодисалар билан муносабатга киришиб, ўзидаги биологик имкониятлардан фойдаланганда бу имконият ўз қуввати ва моҳияти билан бошқа киши (бола) лардаги имкониятлардан ўзининг афзаллиги ва маъқуллиги билан кишиларнинг эътиборини торта олса, ана шундай хусусиятларнинг борлигига қараб бундай болаларни иқтидорли дейиш мумкин. Ана шундай болалар учун уларнинг имкониятлари ва хусусиятларини эътиборга олиб ўқув-тарбия жараёнларини такомиллаштириш ҳамда индивидуаллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Қобилият – шахснинг мазкур фаолиятни муваффақиятли амалга ошириш шarti ҳисобланган ва бунинг учун зарур билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш динамикасида юзага чиқадиган индивидуал психологик хусусиятдир.

Қобилият одамнинг маълум бир иш ёки муаммони бошқа одамларга нисбатан осонроқ чаққонроқ ва моҳирлик билан бажара олишида намоён бўлади. Ёки қобилиятли киши деб, бирор (ёки кўп) соҳани чуқур билган ҳамда шу билган билимларини ишлата олиш маҳорати (сифат ва фазилатлар) га эга бўлган кишини тушунамиз.

Талант – ўзбек тилида юнон тилидан ўтиб келган (ўзлашган) бўлиб ўзбекча муқобили истеъдоддир. Истеъдод шахс психик сифатларининг (ҳаёт давомида эгаллаган) шу қадар мураккаб бирикмасики, уни қандайдир бирорта ягона қобилият билан белгилаб бўлмайди. Истеъдод жуда кўп фаолиятларни юксак даражада амалга ошириш имконияти билан таъминловчи психик жараёнларнинг уйғун ҳолатда кечадиган характерли гуруҳи тарзида намоён бўлади.



Истеъдод деб одамнинг мураккаб меҳнат фаолиятини муваффақиятли, мустақил ва оригинал тарзда бажариш имконини берадиган қобилиятлар уюшмасига айтилади. Демак,

- қобилиятнинг авлоддан-авлодга ирсият йўли билан ўтиши ҳақидаги қарашлар илмий назарияларга зиддир;
- ҳар бир кишининг психик тараққиёти, шу жумладан, ундаги қобилиятга хос интеллектуал салоҳиятнинг юксалиши ижтимоий-тарихий қонуниятлар билан бошқарилади;
- қобилиятнинг уйғониши ижтимоий шарт-шароитларга боғлиқ бўлиб, дастлаб боланинг эҳтиёжларида, қизиқиш ва йўналишларида намоён бўлади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ёшларда қобилият ва интеллектуал салоҳиятни тарбиялаш учун ота-она тарбиячи, болалар ва бошқа тарбия билан боғлиқ кишиларнинг ёшлардаги интеллектуал тараққиёт ва унинг ўзига хос ривожланиш қонуниятларини билишлари ва унга амал қилган ҳолда ўқув-тарбия жараёнларини оқилона ташкил этишлари мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар:

1. Алешеева Т.Г. Одарённые дети – надежда и опора нашей Родины. – М., 2011.
2. Леонтьев А.Н. О формировании способностей // Вопросы психологии, 1960, № 1, 7-17-б.
3. Развитие одарённости в современной образовательной среде: опыт, проблемы, перспективы. // Сборник научных статей. – Омск, 2015.